Хусусан, яқинда Андижон шаҳрида жойлашган 3-сонли ўрта мактабда шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Унда вилоят адлия бошқармаси ходимлари ўқувчи ёшлар билан учрашиб, асарда илгари сурилган гоёлар, теран фикрлар ҳақида ўқувчиларга муфассал тушунтиришлар беришди, ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар кайтаришди.

Қамолиддин ЖАЛОЛИДДИНОВ, Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими

ИСТИҚБОЛИМ — ИСТИҚБОЛИМ

БУХОРО шаҳридаги С.Раҳимов номли маҳалла фуқаролар йиғинида шаҳардаги 1-сонли ФХДБ бўлими томонидан "Истиқлол даври оилалари" мавзусида маҳалла фаоллари, ибратли оилалар ва қайноналар, ёш келин-куёвлар, никоҳга киришга ариза берган ёшлар иштирокида "Истиқболим — истиқболим" деб номланган давра суҳбати ўтказилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ва фуқаролар ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапирдилар. Шунингдек, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти, унинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида тўхталдилар.

Шу маҳаллада яшовчи ибратли оилалардан бири ушбу Фармонга асосан имтиёзли кредит олиб, ҳозирги пайтда 3 хонали уйда оиласи билан бахтли яшаётганлигини айтиб, ёш авлодга ғамхўрлик қилаётган Юртбошимизга барча ёшлар номидан миннатдорчилик билдирди.

Мафруза НОРОВА, Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

Тизим тадбирлари

"LexUz" ТИЗИМИ

ФАРФОНА вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси — "LexUz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизимининг тақдимот маросими ва ўқув-семинари Адлия вазирлиги ҳамда БМТнинг Ривожланиш дастури ҳамкорлигида "Ўзбекистонда ислохот жараёнида қўмақлашиш учун миллий қонунчилик базасини тақомиллаштириш" лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Маълумки, "LexUz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизимининг асосий мақсади — аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини ҳамда жамиятни ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш сифатини тақомиллаштиришдан иборат. Унда 1990 йилдан буён қабул қилинган 17 мингдан ортиқ ҳужжатлар мавжуд.

Хуршид СУЛТОНОВ, "Инсон ва қонун" мухбири

ҚОНУН ВА ИЖРО

ҚАШҚАДАРЁ вилояти адлия бошқармасида вилоят ҳокимлиги ва Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими вакиллари, барча туман ва шаҳарлардаги маҳалла имом-хатиблари ҳамда ФХДБ мудирилари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда адлия бошқармаси томонидан "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан жойларда ўтказилган текширишлар натижаларини умумлаштириш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар диний ташкилотлар фаолиятининг қонуний асослари, имом-хатиблар томонидан шаръий никоҳларни қайд этиш тартиби ва оталиқни белгилаш муаммолари хусусида фикр-мулоҳаза билдиришди.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА, Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ходими

Ўзбекистон Республикаси Авокатлар палатаси Тасвис Конференциясининг ҚАРОРИ

2008 йил 12 сентябрь

Тошкент шаҳри

Мамлакатимизда юз бераётган демократик ўзгаришлар, суд-ҳуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоясини таъминлаш мақсадида, адвокатларнинг жамиятдаги роли ва маънавий ошириш, адвокатларнинг касбий мустақиллигини таъминлаш ҳамда процессуал воқолатларини кенгайтириш, адвокатура ўзини ўзи бошқариш органларини тақомиллаштириш, адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг асосий ва муҳим шартлари эканлигини келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3993-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Авокатлар палатаси Тасвис конференцияси

ҚАР БИР ОТА-ОНА ўз фарзандлари қамолида ҳаётининг давоми, орзу-истакларининг рўёбини кўради. Буни кенг маънода қаралса, ҳар бир миллат ёш авлодлар қамолати, эртанги кунни тимсолида ўзи орзулаган, улғу мақсад қилган истиқболни, халқнинг ёруғ келажagini тасаввур этади. Зеро, ёшлар юртнинг эртаси, шу боис жамиятнинг муҳим бўлиши билан оилаларда қамол топаётган ўғил-қизларнинг бугунги қарашлари, маънавияти, орзу-уйлари ота-оналардан бошлаб бутун бир жамиятнинг эътиборида бўлиб, уларга доимо ғамхўрлик кўрсатиш, оилادا ҳам, таълим-тарбия даргоҳларида ҳам ҳар томонлама шароитлар яратиш ҳаётини заруратга айланади. Шу маънода бизнинг бу борадаги барча сўй-ҳаракатларимиз ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан барқамол қилиб вояга етказишга қаратилган.

Эътибор қилсангиз, "якши инсон", "якши одам" деган халқона ифодалар замирида "маънавиятли киши" деган мазмун мужассамлигини англайсиз. Фарзандини якши инсон бўлишини истаган ота-она,

юзлаб шаклларида усталлик билан фойдаланмоқдалар. Буюк гуманист немис шоири Гётеннинг қонунларни қанча кўп билган кишининг қонунларни бузишга вақти кам қолади деган сўзларида ҳаётини одам савдоси ва унинг мудҳиш

фиқ мазкур вазирликлар билан 1700 дан зиёд тарғибот тадбирлари олиб борилди. Бундай тадбирлар жараёнида қузатилган бир жиҳат ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Яъни ёшларимиз, қайси бир соҳага қизиқмасин, ҳуқуқий билимларни ҳам эгаллашга интилоқдалар. Буни мазкур тадбирларнинг қизгин савол-жавоб, жонли мулоқот тарзида кечаётганидан ҳам англаш мумкин.

ҲОЗИРГИ ПАЙТДА дунёда кенг тарқалган транс-миллий жиноятлар таркибига кирувчи одам савдоси ва унинг мудҳиш

жамият мустақамлигининг пойдеворидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Инсоннинг энг соф ва покиза тўғулари, илк ҳаётини тушуна ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, орномус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир". Шундай экан, кат-



мизнинг маънан етуқлиги уларнинг жисмонан соғлом бўлишини ҳам талаб этади, бу ҳуқуқий маданиятнинг тиббий маданият тушунчаси билан боғлиқ жиҳати ҳамдир.

МАЪЛУМКИ, Президентимизнинг 2008 йил 18 июнда "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий чора-тадбирлар режаси 4-бандига мувофиқ Идоралараро ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилган. Шунга қўра Адлия вазирлиги томонидан жойларда семинар-тренинглари ташкил этишга киришилди. Мазкур тадбирларда ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бўлишларининг маъсул ходимларининг мунтазам иштироки таъминланаётди. Яқинда Адлия вазирлиги ташаббуси билан Тошкент вилояти адлия бошқармасида ўтказилган "Яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш — туғма ирсий касалликларни манбаидир" мавзусидаги семинар-тренинга яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, болалар саломатлигига жиддий зиён етказиши ҳақида атрофлича фикр юритилди. Мавзуга оид илмий, тиббий, ҳуқуқий, тахлиллар келтирилди. Зеро, ёш авлод саломатлиги аввало фарзандларнинг соғлом туғилиши билан боғлиқдир.

Ёшлар — бизнинг ёруғ истиқболимиз. Мустақил мамлакатимизнинг асосий таянчи ва келажиги. "Ёшлар йили" давлат Дастурини ҳаётга татбиқ эта бориб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар манфаатини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кенг имкониятлар яратишга изчил эришиляпти.

Шу билан бирга ёшларнинг маънавий қамолати, эл-юртга садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи ҳар қачонгидан муҳим ва масъулиятли вазифамизга айланган. Зеро, келажак деган сўз бир неча йиллар ўлчовида тасаввур қилинса-да, аслида у биздан унчалик ҳам йироқ эмас. Яъни фарзандларимиз — ёш авлод тимсолида келажак бизнинг ёнгинимиздандир, бағримизда қамол топяпти. Ҳар бир халқ ўз келажagini ўзи яратади, деганда аввало ўз келажаги бўлган ёш авлодга эътибори назарда тутилган.

Тамара ТИЛЛАЕВА, Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиги ўринбосари, юридик фанлари номзоди

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ҚАМОЛОТИ

Ҳар бир халқ ўз келажagini ўзи яратади



демакки, уни маънавиятли — яъни маънан барқамол бўлишига интилган, дейиш мумкин.

Ёшлар маънавияти, уларда тўғри дунёқарашнинг шаклланиши ва мустақамланиши, соддарок айтганда, ҳар бирининг ички дунёси уларни эртага қандай инсон бўлиб жамиятга қўшилишини белгилайди. Ўзига, оиласига, эл-юртга яхшилик қила оладиган, кўпчиликнинг манфаатларини рўёбга чиқаришга қурби, салоҳияти етадиган интеллектуал шахслар қамолати ҳам шу муҳим мезонга боғлиқ. Бу хусусиятлар эса аввало оилادا, таълим-тарбия даргоҳлари, маҳаллаларда шаклланади.

ГЛОБАЛЛАШУВ жараёни тобора тез кечаётган бугунги давримизда ёшлар маънавияти масаласи энг муҳим, яъни, ҳар биримиздан жиддий масъулият, ҳушёрликни талаб қиладиган кенг қўламли ишдир. Дунёда гоёлар, турли сиёсий кучлар, мафкуралар кураши гоҳ ошқор, гоҳ яширин услубларда намоён бўляпти. Ёшларимизнинг бундай курашларининг нимага қаратилганини англашлари ўзларининг маънавий тарбиясига жиддий масъулилик билан ёндашишларини тақозо этади.

Мухтарам Президентимизнинг "Бугунги замонда мафкура полегонлари ядро полегонларига нисбатан ҳам кўпроқ қўлга эга..." деган сўзларининг чўқур мазмуни, теран моҳиятини, дунёдаги воқеликларга озгина бўлсин, синчмаф назар солган инсон мафкуравий кураш нималигини тушуниши қийин эмас.

ҚАБИҲ НИЯТЛИ турли сиёсий кучлар, аввало ёшлар ва ўсмирларнинг онг-шуурига бизга ёт, зарарли гоёларни синглиришининг турли усуллари,

йўналишлари бир-бирини ҳали улғайтиш, фикран ўсиш ёшида бўлган ўғил-қизларимизни қалғитишга, тафаккурини эгаллашга уринадилар. Табиийки, бундай гоёлар нишонни аксарият ҳолларда мафкуравий бўлиш қўриқ қўриқ қаратилади. Энг ёмони, улар чиркин максадларини эзгуликка бошловчи гоёлар қиролиб яшириб кўрсатдилар ва жаҳолатга етаклайдилар. Турли сохта диний оқимлар, секталар, миссионерлик ҳаракати, эгоцентризм гоёлари, демократия ниқоби остида ахлоқсизликни тарғиб этишдан сиёсий, геосиёсий максадларни кўзлайдилар. Бундай фаолият билан шуғулланувчи кимсалар ортида катта сиёсий кучлар туриши, бунга йирик маблағлар ажратилиб, режарлар ишлаб чиқиши бугун дунё жамоатчилигига сир эмас. Афсуски, ёшлар орасида бундай кимсаларнинг авлодига иланиб қолаётганлар, оз бўлса-да, йўқ эмас. Хусусан, уларнинг "фанат"ларча ўз маънавиятини бой бериб қўйишганини ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган "Жаҳолат чангалида" номли ҳужжатли фильмда кўрган элдошларимиз ўзларига ҳаётини хулоса чиқариб олганларни шубҳасиз. Шу мисолдан ҳам кўринадики, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб боришининг аҳамияти бекиёс, албатта. Буни маънавий-маърифий, ҳуқуқий йўналишдаги фаолият ва амалий тажрибаларимиз кўрсатиб турибди.

Тарғибот ҳақида сўз кетар экан, аввало ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг қонунларини, ўз ҳуқуқларини билиши ва амалда қўллай олиши улар маънавиятига ҳам сезиларли таъсир қила-

оқибатларининг олдини олиш борасида ёшлар ўртасида кенг тарғибот ишлари ўтказиляпти. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши кураш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича Адлия вазирлигининг 2008 йил II ярим йиллигига мўлжалланган тадбирлар режасига мувофиқ жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиляпти.

ТАЖРИБАЛАР шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқий тарғибот ишларини ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан уйғун равишда олиб бориш янада ижобий самара беради. Айтилиб, ёшларни дарзда келажак бўлган вақтларда китоб ўқиш, ҳуқуқий қўлланмалар, бандий адабиётларни мутлоқ қилишга қизиқтириш, фикрлашга, ўз хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлашга ўргатиб бориш билан уларнинг ҳуқуқий ва маънавий ҳимоясини ҳам таъминлаймиз. Тарбия ўчоқларини ҳар бирининг ўз вазифини, масъулиятини, белгиланган йўналиш билан. Дейлик, боланинг бўш вақтларида, тунда нима қилаётганини мақтаб назорат қилиши қийин, бу оила зиммасида туради. Шу ўринда бир нарсани унутмаслик жоиз. Боланинг маънавий қамолот топишида оиланинг ўрни бекиёсдир. Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилалар мустақамлиги

талар оилادا ўғил-қизларимизнинг маънан ўсиши, кун-кундан шаклланиб бораётган онг-тафаккурига бефарқ бўлмасликларни, ёт гоёлар, мафкураларнинг улар онгига таъсир қилишига олиб келувчи ҳолатлардан хабардор бўлишлари ва олдини олишлари шарт. Мухтасар қилиб айтганда, оилادا болалар билан ҳар кун мулоқотда бўлишлари, уларнинг қизиқликлари, интилишларига эътиборли бўлишлари лозим. Айрим ота-оналар фарзандлари билан бир хонадонда яшасалар-да, уларни оилаб қўришмайди, десак муболага қилмаймиз. Қолаверса, ҳаётда ўзи тарбияга муҳтож ота-оналар ҳам учраб туради. Бундай вақтда уларнинг фарзандлари маънавияти ҳақида қайғуриш мажбурияти қариндош-уруғлар, ён-атрофдагилар, маҳалла фаолларига юқлатилади.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ томонидан ўқув даргоҳларида, маҳаллалар, республика миқёсидаги туман ва шаҳарлар ҳокимликларида, муассаса, ташкилотларда ўтказиляётган ҳуқуқий тарғиботларда ҳуқуқшунос мутахассисларимиз оила, маҳалла институтларининг жамият ривожланишидаги муҳим аҳамиятини чуқурроқ тушунириб, фарзандларимизни ҳамжихатликда тарбиялаш лозимлигига жиддий эътибор қаратмоқдалар. Халқимиз бир болага етти маҳалла ота-она, деб беҳиз айтмаган.

Яна бир нарсани ҳақида тўхталиб ўтсак. Ёшларни



Олий судда анжуман

ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Олий судида "Тадқиқот марказининг ташкил этилиши — суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлашнинг муҳим боқсичи" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2008 йил 23 июндаги "Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, суд омураи ва мустақиллигини ошириш, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш, судлар фаолиятига аралашшига ҳамда айри-қонуний суд қарорларини чиқарилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчили-

гини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди.

Анжуманда суд қонунчилигини янада демократлаштириш ва либераллаштириш тадқиқот марказининг ўрни, суд қонунчилигини янада тақомиллаштириш истиқболлари, ҳуқуқни қўллаш амалиётида суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар амалга оширилшининг замонавий ҳолати каби ва бошқа мавзуларда маърузалар тингланди.

Конференция якунида иштирокчилар томонидан тегишли тавсиялар қабул қилинди. Шавкат САТТОРОВ, "Инсон ва қонун" мухбири

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

ЭҲТИРОМ

ХАЛКИМИЗДА устоз-шогирд аънаси азалдан бардавомлиги туфайли кўплаб юксак салоҳиятли, улуг инсонлар етишиб чиққан. Киши ҳамиша ҳаёт йўлларида, касб-корида уларнинг кўмагига эҳтиёж сезади.

ЧУНОНЧИ, ҳуқуқшунослик машаққатли ва шу билан бирга шарафли касблардан бири саналади. Мутахассислар иш фаолияти жараёнида ўз вазифасини тўлақонли урдалашда олий ўқув юртида олган назарий ва амалий билимларга таянмайди, албатта. Шу билан бирга ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусияти, нозик ва жумбоқли жиҳатлари борки, амалиётда айрим муаммонинг ечимини топа олиши учун бевосита катта тажрибага эга бўлган мутахассисга мурожаат этади. Шу тарзда устоз-шогирд аъналари вуҷудга келади. Адлия вазирлигининг 2008 йил 15 июлда амалга киритилган **“Адлия органларининг жамоатчи ёрдамчилари тўғрисида”**ги Низоми мазмунан эзгу қадриятларимизга уйғун, ўзига хос ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Унда Адлия идораларига ишга кирувчиларга, аввало, ўз касбининг етук мутахассиси бўлган тажрибали ходимлардан мураббий тайинлашни қайд этилган. Мураббий у билан бирга белгиланган тартибда

режа ишлаб чиқиши ва унинг бажарилишини доимий назорат қилиши, янги ходимнинг вазифасини тўлиқ ўзлаштириши ва келгусида салоҳиятли мутахассис бўлишида муҳим ўрин тутди. Унинг назарий билимлари билан бирга тажрибали мураббий томонидан берилган амалий кўмак қўтилган самарани беради. Бу жараён эса устоз-шогирдчилик аънасининг афзаллигини ҳам ўзида ёрқин акс эттиради. Халқимизда “устоз кўрмаган шогирд ҳар макомга йўрғалар”, деган нақл бор. Бундан англаш мумкинки, устоз-шогирд аънасига аждоғларимиз ҳаётий зарурат, деб қараган. Истиқлол йилларида ўқитувчиларни рағбатлантириши, бундай улуг касб соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар меҳнатини қадрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан **1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар куни** деб эълон қилиниши ҳам давлатимиз томонидан юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Ҳаёт сабоғидан дарс берган, илму маърифат зинсидан улашган, касб-ҳунар ўргатган, жамиятда етук инсон бўлиб етишишимизни астойдил истаган устоз-мураббийлар ҳамиша ардоғимизда, уларга эҳтиромимиз чексиз.

Хайрулла СОБИРОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

ҚИЗИҚКИ, ҳар йили байрам яқинлашган кезларда тилимизда бир кўшиқ айланади. Англадингиз, бу таниқли хонанда Санобар Раҳмонова томонидан устозларимизга атаб ижро этилган машҳур кўшиқ. Аслида ушбу ашула ижро этилганига қарийб ярим аср бўлаяпти. Аммо тафти ҳамон қайноқ. Шунданми, кўча-кўйда, давраларда устозлар ҳақида гап кетса биринчи бўлиб шу кўшиқ эста олинади.

Эсингизда бўлса ўтган йилги сонларимиздан биринчи мазкур кўшиқ ижроси Санобар опа билан мухтасаргина суҳбат уюштириб, газетамизда эълон қилгандик. Бу йил ҳам байрам арафасида таҳририятимизга бир неча кўшиқлар бўлиб, ушбу кўшиқнинг яратилиш тарихи ва Санобар Раҳмонованинг бугунги ҳаёти тўғрисида маълумот беришимизни сўраган.

Кўйда биз мухлисларимизнинг саволлари ва хонанданинг ушбу саволларга берган жавобларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

БАЙРАМЛАР БЎЛАДИКИ

уни нафақат бирор касб эгалари, балки барча бирдек азиз деб билади, ўша кунни катта шодёнага айлантиради

Худойкул РАҲМОНОВ,
Навоий вилояти, Нурота туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси:

— Санобархон, санъаткор бўлишингизда оиланинг таъсири бўлганми?

— Отам чўпон эди. Гарчанд, ўзимиз қадим Асақанинг Қайрағоч қишлоғидан бўлсак-да, тоғу тошда, овуларда оилавий қўй боқиб, кўчиб юраддик. Айтишларича, мен кўз фаслида дунёга келган эканман. (Ақсига олиб, кейинчалик олинган туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномамни отам отар ортидан юриб, сой бўйида тушириб қўйган экан). Тилим чиққандан кейин Коммуна Исмоилова ва бошқа артистларнинг кўшиқларини овозим қир-адирларини тўлдириб, баралла айтиб юраддим.

Гулсара СОДИҚОВА,
Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси:

— Илк саҳнага чиққан вақтингизни эслай оласизми?

— Албатта, эсимда. 5-синфда ўқитганимда Тошкентда “Мархабо, талантлар” кўрик-танловига меҳмон сифатида қатнашиб, **“Анджоним, гўзал шахрим, гулларга қонсан”** деб бошланувчи кўшигим билан иштирок этдим. Ушанда машҳур шoirимиз Туроб Тула кўлимни қисиб, аслида танловга сени ҳақиқий аъзо сифатида таклиф этсак бўларкан. Шунда сенга биринчи ўринни берган бўлардик, дегандилар.

Амир ҚОРАЕВ,
Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани, ўқитувчи:

— Машҳур **“Устозлар”** кўшигингиз ҳамон эл ичиде ардоқланиб тингланади...

— “Устозлар” кўшиғи ижроси 1973 йили суратга олинган ва 1974 йил 1 ян-



варь кунни эфирга узатилган “Кўйла, Санобар” фильм-концерти учун ёзилган. Бу шеър Пулат Мўмин қаламига мансуб. Устозим Фуломжон Рўзиев мусиқа басталаган. Уша пайтда мен 14 ёшли қизча эдим.

Сурайё РУСТАМОВА,
Тошкент шаҳридаги 36-мактаб ўқитувчиси:

— Санобар опа, Сизни ушбу кўшигингиз орқали жуда яхши таниймиз. Бирок... бировнинг шахсий ҳаёти билан қизиқиш одобдан бўлмаса-да, Сиздек кўнглига яқин одамнинг ўй-фикрлари бизни асло бефарқ қолдирмайди...

— Турмуш ўртоғим таниқли хонанда Илхом ака Жўраев. У киши билан мактабда, институтда бирга ўқиганми. Кейинчалик Андижон паттачилик институтида бирга ўқиганмизда “Ок олтин” деган ансамблга қатнашдик. 4 нафар фарзандимиз бор, Дилобархон, Исломбек, Илосбек, Мадинабонулар.

Учинчи фарзандим туғилган, оила ишлари билан машғул бўлиб қолдим. Ҳозирда кенжа ўғлим Илосбек отасининг изидан бориб, санъат йўлини танламоқда.

Мулоқотни
“Инсон ва қонун” муҳбири
Ўрол ФОЙИМОВ
тайёрлади

ДУНЁДА УСТОЗ қадар заҳматқаш инсон бўлмаса керак. Чунки устоз йиллар давомида сабр-тоқат билан гўр болани тарбиялаб, уни олим-у зиёли, санъаткор-у ижодкор даражасига етказди, уларни дунёга танитди.

ШОГИРДНИНГ БАХТИ

устоз учун икки қарра бахтдир

ҲАЁТДА УСТОЗ ҚАДАР камтарин инсон бўлмаса керак. Чунки устоз доимо ўргатади ва бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмайди.

Шундай беғубор қалбли инсонлар борлиги учун биз ҳаётда мустақил фикрлашга ўрганамиз ва ўз ўрнимизни топамиз.

Барча тенгдошларим қатори мен ҳам устозларим берган билимлар эвазига ҳаётда ўзига яраша ютуқларга эришдим.

Бу йил — “Ёшлар йили” да орзуимдаги мутахассислигим бўйича ўқишга имтиёзли қабул қилиндим. Бир шогирд учун бу қандайин бахт бўлса, устозларим учун бу омадими икки қарра бахт бўлди. Ўқишга қабул қилинганимни эшитганимда устозларим мендан-да, кўпроқ қувонди. Уларнинг кўзларидаги қувончни кўрганимда ўзимни бахтдёр ҳис қилдим. Чунки устоз учун шогирднинг ютуғи қанчалик қувончли бўлса, шогирд учун ҳам устознинг юзини ёрғу қилиш шарафдир.

Устозларимизнинг ишончини оқлаш, уларнинг меҳнатини юзага чиқаришдек бурчимизни ҳеч қачон унутмайлик.

Ҳаётда энг бахтли инсон ким деб сўрашганда, биз доимо “Менинг устозим”, деб жавоб бера олайлик. Чунки, ўзидан кўра кўпроқ бизнинг тақдиримизни уйлаган ва ютуқларимиздан қувонган, келажагимизни қуришимизда тўғри йўл кўрсатган инсонлар энг катта бахтга лойиқдирлар.



Сардорбек ҲАМРОЕВ,
Тошкент юридик коллежи талабаси

Пушта

ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

ДУНЁДА ИНСОН учун энг азиз неъматлардан бири саломатлиқдир. Шу боис ҳам, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳияти соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган.



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **“Никохланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”**ги 365-сонли қарорининг ҳам асосий мақсади соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишдан иборат.

Тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби мазкур қарор билан тасдиқланган Низомда белгиланган. Унга кўра, никохланувчи шахслар психик, наркологик, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўриқдан ўтишлари лозим. Низом талаблари никохланувчи шахсларнинг фуқаролигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ФХД органлари томонидан рўйхатдан ўтказилган барча никохларга жорий этилади.

Никохланувчи шахслар ФХД органлари томонидан берилган йўлланмага асосан яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларида кўриқдан ўтадилар. Тиббий кўрик бепул ўтказилади. Тиббий кўрик натижасида никохланувчи шахсларда дарҳол даволаш курсидан ўтишни талаб этувчи касалликлар аниқланса,

уларга белгиланган тартибда тегишли даволаш муассасаларига йўланма берилади. Низом талабларига кўра, никохланувчи шахслар никоҳ қайд этилгунга қадар иккинчи томонини тиббиёт натижаларидан хабардор қилиши шарт. ФХД органлари эса, никохланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтганликлари ва уларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлигига ишонч ҳосил қилганларидан кейингина никоҳни қайд этишлари лозим.

Агар никохланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш натижасида уларнинг биттасида ёки ҳар иккаласида ушбу Низомда назарда тутилган касаллик аниқланган тақдирда, никоҳни қайд этиш томонларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлиги тасдиқлангандан кейин амалга оширилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу саъй-ҳаракатларнинг барчаси юртимизда соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган ва бу келажагимиз равнақи учун муҳим аҳамиятга эга. Соғлом оила эса жамиятимиз таянчидир.

Элнора ЁҚУБОВА,
ЎЗМУ ҳуқуқшунослик факультети талабаси

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси жамоаси жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси Холмамат Ҳасановга отаси **МАҲМУД** отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Газетанинг навбатдаги сони 14 октябрь, сешанба кўни чиқади

СЎЗ ДУРДОНАЛАРИ

ҳар бир қалбга нур, гўзал туйғулар бахш этади

ЧУСТ ТУМАНИДАГИ 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мунисхон Зайнутдинованинг тереан фикр-мулоҳазаларидан буни англаш қийин эмас.

— **ЎЗ ОНА ТИЛИ** ва улуг аждоғларимиз яратган сўз дурдоналарига меҳр қўйишингиз, меҳр уйғотишингиз аҳамияти катта. Бу сўз дурдоналари ҳар бир қалбга нур, беқиёс гўзал туйғулар бахш этади, — дейди Мунисхон опа. — Адабиётни ҳаёт дарслиги, деб бежиз айтишмайди. У ҳаёт ва инсон, одамларнинг ўзаро муносабатларини кўзгудаги каби акс эттиради, бошқача айтганда, ҳали тажрибада кўрмай туриб ҳам одамга ҳаёт сабоғини беради.

Мунисхон опа чуқур билимли ва тажрибали устоз. Ўқувчиларнинг бу муҳим фанни яхши ўрганишлари учун ўқитишнинг замонавий янги усулларини қўллашга интилади, ўзи ҳам янгиликлар яратишдан чарчамайди, балки зақланади. Ҳар бир мурғак дилда эзгулик хислари ниш ўрган бўлади. Катталарнинг, айниқса, ота-она ва устозларнинг вазифаси ана шу туйғуларни мустаҳкамлаб бориш, беарво, лоқайд бўлмаслик,



ўғил-қизларнинг шаклланиш жараёнидаги маънавиятига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларнинг хатти-ҳаракатлари, ўй-кечинмаларини эътибордан четда қолдирмасликдан иборатдир. — Тилга, адабиётга муҳаббат туйғуси эл-юртга муҳаббат туйғусини мустаҳкамлайди. Бирор мавзуда дарс ўтар эканман, ўқувчилар фикратини шу улуг мақсадга йўналтиришга интиламан, — дейди Мунисхон опа. — Эл-юртнинг севган, уни ардоқлаган кишининг, қайси ёшда бўлишидан қатъи



назар, бирор жиноятга қўл уришини тасаввур қилолмайман. Биз каби устозлар фарзандларнинг эртанги иқболига, уларнинг етук инсонлар бўлиб жамиятда, ҳаётда ўз ўрнини топиши, доим тўғри йўлни танлаш салоҳиятига эга бўлиши учун энг муҳим маънавий пойдевор яратадилар.

Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси М.Зайнутдинова шу ёрқин истак йўлида тинмай ишланади. Унинг илғор тажрибалари вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтининг ўзбек тили ва адабиёти бўлими томонидан маъқулланиб, оммалаштирилгани бежиз эмас. Фидойи устозлар, азиз муаллимлар келажак авлод тарбияси учун масъулиятни юрагидан кечириб яшайдилар, сидқи дилдан меҳнат қиладилар. Шундай улуг зотлар меҳнатидан яхши инсонлар сафи кенгайверади.

Дилором МАТКАРИМОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ўқитувчилар ва мураббийлар байрами ҳамда Ийд-Рамазон ҳайити билан чин дилдан табриклайди. Барча юртдошларимизга тинчлик-хотиржамлик, эзгу ишларида омадлар тилайди!

Ва “Оила фаровонлиги” истеъмолчи кредитидан фойдаланишни таклиф этади.

Бунда сиз — миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш, уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш, дори-дармонлар сотиб олиш ҳамда даволашни, республикамизда ишлаб чиқарилаётган узоқ мuddатли фойдаланиладиган уй-рўзгор буюмларини харид қилиш, ўз оила эҳтиёжларингизни қондириш мақсадида чорва моллари, парранда ва улар учун ем-хашак харид қилиш ҳамда оилангиз фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган бошқа имконият ва қулайликларга эга бўласиз.

Хурматли юртдошлар!

“АСАКА” ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳолисини 1 октябрь кунини нишонладиган ўқитувчилар ва мураббийлар байрами ҳамда муборак Ийд-Рамазон ҳайити муносабати билан қизгин табриклаб, самимий тилақларини изҳор этади.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, ҳар бир хонадонга осойишталик, қут-барока тилаймиз!

Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги амалга ошираётган бунёдкорлик ишларида барчамизга зафар ёр бўлсин!



Элнора ЁҚУБОВА,
ЎЗМУ ҳуқуқшунослик факультети талабаси

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси жамоаси жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси Холмамат Ҳасановга отаси **МАҲМУД** отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Газетанинг навбатдаги сони 14 октябрь, сешанба кўни чиқади

ИНСОН ва ҚОНУН		ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:		Навбатчи: Ербек ИСКАНДАРОВ	Индекс: 646882	МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Саййиғоҳ кўчаси-5. Тел: 233-70-65, Факс: 233-84-50 e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
МУАССИСА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ 1996 йилдан январидаги нисбат 219-22/08	2007 йил 3 январда Ўзбекистон Маълумот ва Аxbорот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган	Бош муҳаррир: Кўчкор НОРҚОБИЛ	Аҳмедов Абдуҳали Абдурашодов Мустафаса Нуртани Мустафасов Ражабова Маъжуба Абдуҳалиева Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич	Матрасулов Давлатназар Раҳимбергатов Тўраев Тўра Эргашевич Савдоқ Шохр Камолевич Хамроев Искон Ҳамзаевич	Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ	“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида тейрилди ва саҳифаланди. А-2 бичимида. 2 босма таъаб ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нациёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрқон кўчаси 41-уй. Буқорда Г-815. Тиражи — 11153. Босилиш топшириқи вақти — 21.00 Топшириқли — 20.00 (1 — тижорат мақола)